

**1-МАВЗУ. 4-МАЪРУЗА:
ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ
АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМИ ВА
УНИНГ ЕР ТУЗИШ ТИЗИМИДАГИ
ЎРНИ**

Режа:

- 1. ЕТЛАТНИНГ аҳамияти.**
- 2. ЕТЛАТНИНГ ўрни ва вазифалари.**

МАЪРУЗАНИ ЎТИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

Талабалар сони: 120	1-мавзу. 4-маъруза. Вақт 2 соат
Маъруза шакли	Маъруза-ахборот
Маъруза режаси	1. ЕТЛАТнинг аҳамияти. 2. ЕТЛАТнинг ўрни ва вазифалари.
Ўқув машғулот мақсади	ЕТЛАТнинг аҳамияти, ўрни ва вазифалари бўйича умумий тасаввурни шакллантириш
<u>Педагогик вазиятлар:</u> 1. ЕТЛАТнинг аҳамияти тўғрисида тушунчалар беради. 2. ЕТЛАТнинг ўрни ва вазифалари тўғрисида тушунчалар беради.	<u>Ўқув фаолияти натижалари:</u> 1. ЕТЛАТнинг аҳамияти тўғрисида тушунчаларга эга бўлади беради.. 2. ЕТЛАТнинг ўрни ва вазифалари тўғрисида тушунчаларга эга бўлади.
Таълим усуллари	Ақлий ҳужум, блиц-сўров
Таълимни шакллантириш шакли	жамоавий
Таълим воситалари	Компьютер (проектор) слайдлар
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Тезкор сўров

“МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дакика	<p>Гурухлар давомати назорат ыилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади.</p> <p>Машғулот очиқ маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзib оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дакика	<p>2.1. Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиши таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, хар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар)</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқидилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзib оладилар,</p> <p>саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дакика	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қиласи.</p> <p>Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топширик берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топширикни ёзib оладилар</p>

ФАН МАВЗУЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар:

1. Andreas C. Land Information systems.Germany, 2016
2. С.Авезбаев. Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари. Дарслик – Тошкент: ТИМИ, 2008. – 135 б.
3. S. Avezbayev. Yer tuzishni loyihalashning automatlashgan tizimlari.T.:TIMI, 2010-168 b.
4. С.Н.Волков. Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. Том 6. - М.: “Колос”, 2002. – 450 б.

Қўшимча адабиётлар:

5. С.Н.Волков. Землеустройство. Экономико-математические методы и модели. Том-4 – М.: “Колос”.

Интернет ва зиёнет сайtlари:

1. [http:// www.Tsure.ru/](http://www.Tsure.ru/);
2. [http:// www.guz.Ru/](http://www.guz.Ru/)
3. <http://www.Ziyonet.Uz/>.

3 - маъruzанинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун


БЛИЦ САВОЛЛАР:

1. ЕТЛАТ тушунчаси нимани англатади?
2. ЕТЛАТ қандай вазифаларни бажариш учун мўлжалланган?
3. “Давлат ер ресурсларини бошқариш» автоматлашган тизими таркибида ЕТЛАТ қандай даражадаги ўринни эгаллайди?


**Мураккаб тизимларни яратиш ва фойдаланиш ҳамда
уларни автоматлаштириш назариясидан келиб чиқиб,
проф.С.Н.Волков “Ер тузишни лойиҳалашнинг
автоматлашган тизимлари (ЕТЛАТ)” га қуйидаги
таърифни берган:**

Учебник.
Землеустройство.
6-том.

ЕТЛАТ- бу лойиҳа ташкилоти
бўлимлари билан ўзаро боғланган
ҳолда, лойиҳалаш ишларини
автоматлашган тартибда ЭҲМ
ларда бажарадиган, таркиби
ложиҳалашни автоматлаштириш
воситалари мажмуидан иборат
бўлган ташкилий-техник тизимдир



ЕТЛАТНИ ЯРАТИШДАН КҮЗЛАНГАН МАҚСАД



ЕТЛАТни яратышда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

1. ЕТЛАТ ни амалий яратышда **ер – ишлаб чиқариш – ахоли - экология тизими**даги үзаро боғлиқликни таърифловчи кўрсаткичлар ва үзаро алоқалар тизимини тўғри белгилаш ҳамда ЕТЛАТни қўшни ёки функционал боғланган юқори даражадаги автоматлашган тизимлар (**ТГМИБАТ, КМИБАТ, ЕКАТ, РЕТХАТ**) билан барча алоқаларни ҳисобга олиш зарур.

ЕТЛАТни яратишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

2. Ер тузиш жуда мураккаб жараён бўлиб, ер тузиш лойиҳалари доимий ўзгариб турувчи ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, ерлардан оқилона, самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жуда катта миқдордаги ёзма ва чизма ҳужжатлардан ташкил топади. Шунинг учун ҳам ер тузишни лойиҳалаш бир марталик ёки даврий ҳаракат бўлмай, балки, лойиҳани ишлаш, такомиллаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ тўхтовсиз жараёндир. Демак ЕТЛАТ ҳам ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш жараёнини тартибга солувчи умуний давлат тизими билан ажралмас боғланган доимий ҳаракатдаги ва ривожланишдаги автоматлашган тизим сифатида ташкил этилиши керак.

ЕТЛАТни яратишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

3. Ер тузишни лойиҳалаш жараёнигининг яна бир ўзига хос томони шундаки, у жуда мураккаб бўлиб, кўп сонли муқобил ечимларни, ўзаро алоқаларни миқдор ва сифат жиҳатларидан ҳисобга олишга тўғри келади. Ўзаро сифатий алоқаларни рақамли таърифлаш қийин бўлганилиги учун, ЕТЛАТ **инсон - машина тизими** шаклида яратилиши керак. Бу тизимда сифатга оид (рақамли ифодалаш мумкин бўлмаган) маълумотларни тайёрлаш ва ечимни қабул қилиш жараёни тўғридан-тўғри юқори малакали мутахассис томонидан, рақамли маълумотларни йиғиш, сақлаш, янгилаш ва бериш, ҳисоблаш операцияларининг мос техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда, компьютер дастурларидан фойдаланиб, бажарилиши керак.

ЕТЛАТда лойиҳачининг АИЎ



Ер тузиш ва ер кадастри соҳаси мутахассиси меҳнат унумдорлигини қандай ошириш мумкин?

Ер тузувчининг иш унумдорлигини ошириш ва лойиҳа-қидирув ишларининг сифатини яхшилаш, фақат янги информацион технологиялар, ер тузиш ишларини компьютер техникасидан ва замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиш асосидагина мумкин. Замонавий технологиялар, фақат экспертларнинг баҳосига асосланган ананавий усуллардан фарқли равишда режалаш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва лойиҳалаш масалаларининг янги даражадаги комплекс ечимини олиш имкониятини беради. Бу технологиялар лойиҳани ишлаш муддатини қисқартириш, лойиҳаларнинг сифатини юқори кўтариш, мутахассис-loyiҳачилар ишини енгиллаштириш, уларни зерикарли яrim механик тарздаги ишлардан қутқариш, уларнинг малакавий имкониятларини лойиҳанинг ижодий қисмига кўпроқ қаратиш имкониятини беради. Бундан ташқари замонавий компьютер техникаси нафақат техник-иқтисодий масалаларни сифатлироқ ечиш, балки иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича тадбирларни башоратлаш, режалаш ва лойиҳалашда эркин фойдаланиш имконини яратади



Ер тузиш ва ер кадастри соҳасида бажариладиган ишлари таркиби.

- Таркибга қуйидагилар киради:

1. Ер тузиш лойиҳаларини ишлаш

2. Давлат ер кадастри, мониторинги ва ерларни баҳолаш ишларини олиб бориш. Уларнинг маълумотлари ер ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда ахборот асоси сифатида хизмат қиласди;

3. План-харита материалларини яратиш ва янгилаш, ер тузиш ва ер кадастри ишларини бажариш учун зарур маҳсус изланиш ва қидирувларни ўтказиш;

4. Ер тузиш ва ер кадастри учун зарур топографик-геодезик ишларни бажариш;


5. Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаш ва башоратлаш;

6. Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаш ва амалга ошириш;

7. Ер тузиш лойиҳалари асосида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш;

8. Ер муносабатларини тартибга солишининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари вазифаларини амалга ошириш;

9. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш.



**ТГМИБАТ
қандай
вазифаларни
бажаради?**

Маълумотларни электрон тахеометрлар, ер йўлдошлари тизимлари, дигитайзерлар, сканерлар, анъанавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб, аэротасвиргеодезик ва ерда тасвирга олиш усуллари ёрдамида олишга мўлжалланган. Унинг ёрдамида олинган объект тўғрисидаги маълумотлар топографофеодезик маълумотлар асосида яратилади.

**КМИБАТ
қандай
вазифаларни
бажаради?**

Картографик материалларни рақамли маълумотларга айлантириш ва ҳудуднинг рақамли моделини яратиш, яратилган ёки бошқа тизимлардаги ҳудуднинг рақамли моделларидан карталарни тузишда, уларни кўпайтиришда графикавий таҳрирлашда фойдаланиш учун қўлланилади.

**ЕКАТ қандай
вазифаларни
бажаради?**

Ер участкаларининг микдор ва сифат тавсифлари бўйича маълумотларни ўзида мужассамлайди ва ер ҳисобини олиб боришга, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни рўйхатга олишга, тупроқ бонитировкасини ўтказишга, ерларни баҳолашга, ерлардан фойдаланиш устидан назоратни олиб боришга ва давлат органларини ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш фойдаланишлари учун ахборот билан таъминлашга қаратилган.

**РЕТҲАТ
қандай
вазифаларни
бажаради?**

Ерлардан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишни режалаш ва башоратлашга, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги мақсадли давлат дастурларини ишлашга, ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини жорий этишга, стандарт ва ностандарт сўровларни маълумотлар билан таъминлашга қаратилган.

ЕТЛАТ қандай вазифаларни бажаради?

ЕТЛАТ эса ер тузиш масалаларини ечишнинг асосий тизими бўлиб, у хўжаликларо ва хўжаликда ички ер тузиш ишларини бажаришда, ишчи лойиҳаларни амалга ошириш устидан муаллифлик назоратида фойдаланилади.

Ер тузишни лойиҳалаш ишлари билан «Ўздаверлойиҳа» институти ва унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда бўлинмалари шуғулланишларини ҳисобга олиб ЕТЛАТ ни ушбу институтда ва унинг вилоят филиаллари ҳамда бўлинмаларида ташкил этилади.

Автоматлаштирилган тизимлар ўртасидаги алоқаларни ва бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ер тузиш ишлари мазмунини таҳлил қилиш натижалари амалда «Ўзбекистон ер ресурларини бошқариш» деб номланган супер тизимнинг моделини яратиш мумкинлигини кўрсатади ва ушбу супер тизим таркибида ЕТЛАТ нинг ўрнини аниқлайди. Буни қуйидаги схемада кўришимиз мумкин.

Ер ресурсларини бошқаришнинг автоматлашган тизимлари

Топографо-геодезик маълумотларни олиш ва ишлов берининг автоматлашган тизими (ТГМИБАТ). Ичси тизимлар: космик, аэротасвиргеодезик, ерда тўпланадиган маълумотлар.


Картографик маълумотларга ишлов берининг автоматлашган тизимлари (КМИБАТ). Ичси тизимлари: картографик материалларни сонли маълумотларга айлантириш ва ер юзасининг сонли моделини яратиш; координаталарни, шартли белгиларни, карта ўлчамларини сонли кўринишга айлантириш; карталарни тузиш, географик тафриллаш, кўпайтириш, янгиларини яратиш.

Ер жадастрининг автоматлаштирилган тизими (ЕКАТ). Ичси тизимлари: ер юзасининг сонли моделларини яратиш, йигиши ва тузатишлар зиритиши; бирламчи маълумотларга ишлов бериш; ер згаликлари ва ердан фойдаланишларнинг ерларини хисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш; ерлардан фойдаланишини назорат юлиши, ер мониторинги; меъёрий тъзминотни шизолантириш; стандарт сўровлар бўйича жуясатларни тайёрлаш, ностандарт сўровларни тъзминлаш.

Резавий ер тузини хисоблашларини автоматлаштириш тизими (РЕТХАТ). Ичси тизимлар: маҳсус меъёрий ахборот тъзминоти; ердан фойдаланишини резалаш ва башоратлаш; ердан самараали фойдаланишини ташкил этиш бўйича тадбирларни дастурлаш; ердан фойдаланишнинг маҳсус тартиби ва шартларига эта худудлар чегараларини белгилаш.

Ер тузини лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизими (ЕТЛАТ). Ичси тизимлари: меъёрий ахборот тъзминоти; ер тузини ишларини ташкил юлиши ва резалаштириш; дойиха олди хисоблашлари; хўжаликларро ер тузини; хўжаликда ичси ер тузини; ишчи лойиҳалаш.

«Давлат ер ресурсларини бошқариш» супер автоматлашган тизими таркибида ЕТЛАТнинг ўрни



1-илова

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН САВОЛЛАР?

- 1.ЕТЛАТни жорий этиш ер тузиш соҳасида қандай ишлаб чиқариш масалаларини ечиш имконини беради?**
- 2.Ер тузишида лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари ўрни ва аҳамияти қандай?**
- 3.Мамлакатимиз ер тузиш хизматининг асосий вазифаларини санаб беринг.**
- 4.Мамлакатимиз ер ресурсларини бошқаришнинг автоматлашган тизимида ЕТЛАТ нинг ўрнини аниқланг.**